





БУ ЧИРОЙЛИ ВА ҲАШАМАТЛИ БИНО ШАХРИМИЗНИНГ. МАРКАЗ—18 КВАРТАЛИДА ҚАД КУТАРГАН. 40 ОНЛАГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БУ БИНОНИ ЛЕНИН ГРАДЛИК ҚУРУВЧИЛАР ТОШКЕНТЛИКЛАРГА ҲАЯЯ ҚИЛИШГАН. ДАВЛАТ КОМИССИЯНИ ДУСТЛАРИМИЗ СОВҒАСИНИ АЪЛО БАҲОЛАДИ. Х. Шоаиев фотоси.

### ҚУВВАТ УЧ БАРАВАР ОШДИ

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг пулат эритувчилари мартен печларининг лойиҳадаги қувватини ўн етти марта оширишди. Ҳозирги вақтда ҳар эритишга ўрта ҳисобда 85,5 тонна пулат олинмоқда. Бу эса ташқи бозорда қўла тугаландан бир ярим тонна қўллар. Учинчи мартен печининг коллектив юксак кўрсаткичларга эришди. Николай Краснобер—мастер, СССР Олий советининг депутаты Шерал Хайруллоев, Анвар Тошпулатов, Амет Мумидаев ва Утеи Танкиевлар пулат эритувчи бўлиб ишлаётган бригада беш йиллик бошидан буюн пландаги ташқари беш минг тўнча пулат эритди.

# САМАРАДОРЛИК ОШЯПТИ

2-ун комбинати Ўзбекистон ССР дон маҳсулотлари ва аралаш озуқа саноати министрига қарашли йирик корхоналардан бирidir. Комбинат ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан республикамиздагина эмас, Совет Иттифоқидаси санат корхоналари ўртасида ҳам дон таратган тўртта энг йирик ун ва ем-озуқалари тайёрлаб чиқарувчи тегирмонларни ўзига бирлаштирган. Ахил коллектив бир неча йиллардан бери ишлаб чиқариш планини барча кўрсаткичлар бўйича муттасил ошириб бажаряпти. Ўзбекистон республикаси ва Бутуниттифок саноат корхоналари ўртасида бошланган социалистик мусобақада гоили чиқариш учун ўтган йили бу корхона КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг бул мукофоти ва Осодили Байроғини олишга сазовор бўлди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳамжи йил сайини охиб бораётганлиги, сифати яхшиланаётганлиги тўғрисида, корхона иқтисодий жиҳатдан бакуват бўлиб борапти. Комбинат маъмурияти, партия, комсомол ва касабасоюз ташкилотлари биргаликда корхонанинг иқтисодий-техника кўрсаткичлари ва ички резервларини ҳисоблаб чиқиб, қатор тадбирларни белгиладилар. Машиналардан уқумли фойдаланиб, уларнинг сменадаги иш коэффициентини ошириш, кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнларини механизациялаш, барча цех ва бўлимларда ишчи оуқта ва раионал ташкил этиш каби тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги бирмунча ортди.

Иқтисодий ислохотга тейбгарлик даврида инженер-техник ходимлар, хизматчилар, цех ва бўлим бошлиқларининг иқтисодий билимларини оширишга алоҳида эътибор берилди. Бунинг учун махус семинар ва тўғараклар ташкил этилди. Суҳбат ва лекциялар уюштирилди. Хўжалиқини янги бошқариш системаси ҳақидаги қондаларин ўрганиш натижасида унинг ҳар бир ишчи учун, коллектив ва давлат учун қандай фойда келтириши билиб олинди. Шу нарса ҳам маълум бўлдики, иқтисодий ислохот бутун коллективдан ишлаб чиқариш ҳажминини оғишмай ошира бориш, махсулот сифатини яхшилаш ва танбархнини камайитириш устида ижодий иш олиб боришни талаб қилар экан. Ана шу мақсадда беш йилликка белгилаган ташкилий-техникавий ва перспектив планлар ишлаб чиқилди. Ташкил қилинган махус техника-иқтисодий комиссия комбинатнинг хўжалиқ фаолиятини анализ қилиб чиқди. Ишлаб чиқаришдаги асбоб-ускуналар жорий ва капитал ремонтдан чиқарилди. Янги техника воситаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан бирмунча тадбирлар амалга оширилди. Комбинатнинг дон бўлимида пневматик транспорт, тўртта энг йирик сепаратор, тўртта дон ювиш, олтинга курмак акратувчи ва учта майда тошларни акратувчи кучли машиналар ўрнатилди. Ун махсулотлари сифатини янада яхшилаш мақсадида алоҳида лаборатория ташкил қилинди. Нонларнинг картошка насаллигига чидамчилигини ошириш учун ҳар куни нон ёпиқ, махус идишларда сақланмоқда ва кузатишмоқда. Текширишда аниқланган натижалар махус журналга қайд қилиб борилади.

Иқтисодий ислохот амалда бўлиши билан маҳсулотларнинг сифати яхшиланаётганлиги, иқтисодий ислохотнинг натижасида ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва сифати оғишмай бораётганлиги аниқланди. Комбинатнинг махус иқтисодий фойда олинди. Беш йилликнинг учинчи йили ҳам яхши натижалар берилди. Баргина шу йилнинг ўтган олти ойида 13670 минг ўнгида 15093 минг сўмлик юқори сортли махсулот реализация қилинди. Планга қўшимча қўрилган фойда эса 1123 минг сўмга етди. Олти ой ичда ҳар бир ишчи томонидан ишлаб чиқариш планининг бажарилиши ўртача 110,9 процентга етди. Иван Павлович Цыков бошчилик қилаётган 1-тегирмон комбинатининг юраги ҳисобланади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган ун махсулотлари фақат юқори сортларга қабул қилинмоқда. Коммунистик меҳнат зарбодори, деган шарофли юмта сазовор бўлган цех коллективни ўтган олти ойда пландан ташқари 2531 тонна юқори сортли ун тайёрлади. Ички резервларини қидириб топиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўлидаги тизимсиз ишларни ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга хизмат этияпти. Ўтган йилнинг ўзидagina меҳнатини ялми ташкил этиш юзасидан белгилаган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида корхона 83,6 минг сўм иқтисодий фойда кўрди. Аралаш озуқа цехида қолланган тайёр махсулотларни машинага ортиш йли механизациялаштирилди. Бу тадбир еменда иш вақтинини тежаш, меҳнат унумдорлигини қарийб 20 процент ошириш имкониятини яратди. Комбинатда реализация тошириқларининг муттасил ошириб бажарилиши, натижасида катта миқдорда фондлар ташкил қилинмоқда. Корхонанинг ўтган йили фойди 344,1 минг ўнгида 473,3 минг сўмни ташкил қилди. Бу маблагларнинг 240,5 минг сўми ишчилар ва инженер-техник ходимларга моддий рағбатлаштириш фондига ажратилди. Ишлаб чиқариш ва социал-маданий тадбирлар учун ажратилган маблаглар ҳисобидан комбинат шайхонасида қатор турар жой, маданий-вадий бинолар қад кўтармоқда. Ҳозиргаче 350 кишилик кавб, 250 ўрнида бошқаришга қўйилган кавб, 100 ўрнида ошхона бинолари комбинат коллективни янгиликларга топишилади. Бу йил ишчи ва хизматчилар учун кўп квартиралар янги турар жой биносини қурилади. 1969—70 йилда эса ана шундай бинолардан ана иккитаси фойдаланишга топишилади. 500 ўрнида маданий-маъмурий бино қурилиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Комбинат маъмурияти янгица ишлаш шароитида савдо ташкилотлари билан бевосита алоқани мустаҳкамлаш, харидорларнинг талаб ва эҳтиёлларини ўрганишга алоҳида эътибор бермоқда. Бу махсулот сифатидаги катчиликларини аниқлаб, уни дарҳол бартараф этишда катта ёрдам берилди. Корхонада махсулот ишлаб чиқариш ҳажми йил сайини кўпайиб, техника билан жиҳозлаш даражаси яхшиланаиб бормоқда. Илгор коллективнинг беш йилликдаги вазифалари улкан. Коллектив В. И. Ленин кўннинг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида махсулот ишлаб чиқариш ҳажминини оширишга аҳд қилди.

О. ТУРСУНОВ.

## МЕҲНАТ ВА МОДА

Новосибирск яниндаги академик шаҳарчасига жойлашган ядро физикаси институтида олимлар советининг навбатдаги йиғини бўлимоқда. Академиклар, СССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзолари, докторлар, фан кандидатлари ўтиришпти. Докладчи эса модачи расом. Илмий ходимнинг ишлик жомакори қандай бўлиши керак деган масала муҳокама қилинмоқда. Мураккаб асбоблар билан ишловчи, атом энергиясидек қудратли кучни ўнги бўйсиндирувчи ишчилар қандай кийилиши керак? Қозғаларга махус комбинезонлар, халатлар, костюмлар нуҳсага туширилган. Айнақча кийимларининг раица муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда алоҳида гап бормоқда. Қизил бўйсин! — дейди институт директори, академик Г. И. Будкер. — Пуқ, — деб эътироз билдиришади Новосибирск модалар уйинини вакиллари. — Яқиниси очянаиб, бўлган маълум. Бу раиц кўзини қаратмайди, ўйлаш учун тўла имконият беради. Қийимнинг ҳар бир детал диққат билан муҳокама қилинади, физиклар ўз тақлифларини киритадилар. Натижада чидамли ва енгил синтетик газламадан тикиладиган, катта-катта чўнтакларини бўлган халатлар буюртмаси тайёр бўлади. Модалар уйининг янгиори автобуси ўрмон орасидаги йўлдан олиб бормоқда. Улар кеча олимлар билан учрашдилар, бугун эса янги модалар Новосибирск шаҳари яқинидаги йирик завод ишчиларига кўрсатиш учун олиб кетмоқдалар. Янги мода цехининг ўзида намойиш қилинади. Станок олдида, конструкторлик бюросида ишлаш учун қандай кийим қўлайлиги, яқинлаб кунлари дам олиш учун қандай кийим кийиш лозимлиги муҳокама қилинади. Цехга олиб келинган модалар коллекциясида бир саволларнинг барчаси учун жаовоб топилади. Ҳар қандай ёшдаги аёл учун юзи, қалин ип газламадан тикилган сарафан-юбкалар тавсия этилади. — дейди старший рассом-методист Валентина Грещок. Мана, дам олиш, чангида учин учун

мўлжалланган кийим. Унинг раици ёрқин, куртаси кенг, ташқи безагида Шимол халқларининг миллий кийим безаклари, иссиқ цлемлар, уқа тутилган безаклар... Новосибирскда ишлаб чиқарилаётган бундай кийимлар илмий раицида асосланган. Бу ерда ишловчи 530 кишидан 40 дан ортқ моделчи-рассом бўлиб ва махус ўрта маълумотга эга. Улар «коммабол» модаларини мунгазам илгилаб турадилар. Модалар уйининг кутубхонасида дунининг турли мамлакатлари, Швейцария, Франция, Куба, ГДРданги келган журналлар мавжуд. Чет эл модаларини ўрганимай туриб, янгилик яратиб «мушкул» янгилик... Лекин Москва тўғримачилиги институтини битириб келган ёш рассом Светлана Овчарков кутубхонадан «Ванго» раиц журнални эмас, қадимий бир китобни олади. Китоб 1776 йили Санкт-Петербургда чiqқан. «Россия» давлатида яшовчи барча халқлар тарихи» шунингдек, уларнинг одатлари, дини, уй-жой шароити ва кийиниши» деб аталади.

Светлана худди ана шу кийимлар билан қизичади. У аёллар кийимининг модалари билан шуғулланимоқда. Ёш йилсини билиб узоқ ўтмиш унда аниқдан янги фикрлар берад? Новосибирскда моделчилар қадимий рус кийимларини шунингдек, Сибирь ҳамда Шимолда яшовчи халқларнинг кийимларини чуқури ўрганимоқдалар. Сибирь қиши учун мўлжалланган янгида янги кийимлар ана шундай қилиб вуқудга келмоқда. Аёлларнинг енгил кўйлаклари бўйича шуғулланувчи модачи рассомлар айнақча қизини баҳслашмоқдалар, ишламоқдалар. Баҳорги-баги мавсумга мўлжалланган янги эскилар навида бўлимоқда. Новосибирск модалар уйи ўз тақлифларини кўлаб тикув фабрикаларига тақдим этишга қўлай, янги югаларни ҳам ўртага ташламоқда. Новосибирск модаларининг бир қанча тур Россия Федерацияси мода коллекциясининг составига киритилди. Харидорлар Брюссель ва Лейпциг, Будапешт ва Мюнхенда бўлиб ўтган баҳори ҳамда кузги ярмаркаларда уларни қизини томоша қилдилар. Модалар уйининг 35 ҳоними халқаро модалар фестивалида тажриба ўрганиб келдилар. Етти модачи рассом фестивал мукофотлари билан тақдирланди.

Элла Феякова, АПН.

### ОНА-ВАТАН БҲЙЛАБ



КИРГИЗИ С Т О Н СССР. Чу водийида галла ўрим-йиғица тез сурталар билан олиб боришмоқда. Сокулук районидagi Шопоков номли колхоз шифери Борис Элдоров ҳар куни ўз машинасида ўшлаб тонна дан ташмоқда. В. Лазарев фотоси. ТАСС фотохроникаси.



Подмосковье қурувчилари Тошкент қурилишида яхши ишлашмоқдалар. Улар ҳозиргача 618 квартирани ва 280 ўрнида бошлар боғчасини фойдаланишга топиридилар. Шу кеча-қундузда 192 квартира ва 1280 ўрнида мактаб биносини қуриб бўлишмоқда. СУРАТДА: илгор бетончи, комсомол аъзоси Владимир Трофимов иш устида. Р. Шаисудинов фотоси. (ЎЗТАГ).

### ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР УЧУН

Тошкент дурал корлик буюмлари заводидаги дераза блоклари цехида замонавий машина — ускуналар ўрнатилди. Бу завод Ўзбекистон пойтахтининг шимолдаги саноат зонасида барпо этилмоқда. Бундай завод ўрта Осиёда биринчи марта қуриломоқда. Корхона ҳар йили бир миллион квадрат метр дурал корлик буюмлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Завод бу цех учун ускуналар Австриядан келтирилди. Заводнинг иккинчи навбаги — эшик блоклари цехини 1969 йилда фойдаланишга топириш мўлжалланмоқда. Бу цех учун машина — ускуналар Швециядан олиб келинади. Шу беш йилликда республикада қуёш нуридан ҳимоя қиладиган қурилмалар ва голландия плиталар ишлаб чиқарадиган яна иккита йирик завод қуриш кўзда тутилди. Ҳузапола ана шу заводлар учун хом ашё бўлиб хизмат қилади. (ЎЗТАГ).

### ХАЗИНА ТОПИЛДИ

Тошкент жуда ҳам қадимий шаҳар. Тошкент территориясига биринчи бўлиб кишиларнинг кўчиб келбасидаганига бир неча минг йиллар бурган. Турк, араб, мўғул

### РЕДАКЦИЯГА ХАТ

### Чойхонага бир назар ташланг

1965 йилнинг 21 августида Ўзбекистон ССР Савдо министригининг 136 буйруғида чойхоналарда чойни сотиш нархлари катъин белгилаган бўлиб, 0,5 литрли чойниқча дамланган чой 0,3 тийин, 0,8 литрли чойниқча дамланган чой 0,6 тийиндан сотилиши керак эди. Аммо шаҳримизнинг қайси чойхонасига борманг, 0,3 ёки 0,6 тийинли чойни тополмайсиз. Ҳамма ерда беш тийиндан, катта чойнекадаги чой эса 10 тийиндан сотилади. Ортиқча тийинлар қайси «кассага» тушади! Биз шунини билмай ҳайронмиз. Ишонмасангиз Киров номи маданият ва истироҳат боғида жойлашган чойхонага келинг. У ерда шундай бундай бир киши ишлаши зөрур бўлса, аслида у киши ишламоқда. Улар ҳам чойхўрларнинг телебини сира қондирмайди. Т. ҲАЙИТОВ, чойхўр.

### Намунали ходим

Тоҳиржон Ҳамдамов — ўз ишнинг устаси. «Гулистон» ресторанининг ҳўрандалари унинг ишдан қанчали мамун. Тоҳиржон ресторани ҳўрандаларига намунали хизмат қилди. У «Гулистон» ресторанида 8 йил хизмат қилиб жуда яхши меҳнат қилган. Ҳўрандаларга маданий хизмат қилганини учун уқумий оқшангани хо`диқларининг Москвада ўтказилган конкурсда Тоҳиржон Ҳамдамов бронза медали ҳамда Фларий ёрлиқини олишга сазовор бўлди. Шу кунларда Ҳамдамов «Гулистон» ресторанининг зал мудири сифатида ҳўрандаларга яхши хизмат кўрсатишда бошқаларга намуна бўлмоқда. Ш. СОЛИХОВ, «Гулистон» ресторани партия ташкилотининг секретари.

### ТОШКЕНТ ОҚШОМИДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

### «ВАЪДА ЭМАС, СУВ КЕРАК»

Газетамизнинг шу йил 10 июль сонида бошланган таъдилий материалда Зоболотий кўчасига водопровод ўтказиш муаммоси ойлаб ҳал этилмаётгани кўрсатилган эди. Газета «Водоанал» трестидан олган жавабда кўрсатилганича, Зоболотий кўчасига водопровод қолдириш шу йилнинг охириги кварталда ўрнатилди.

### Айфон сотилсин

Хоҳ Октябрь» бозориди, хоҳ Хадра атрофида, хоҳ Студентлар шаҳарчасида бўлманг, хуллас, шаҳримизнинг қўлгина жойларида қуйидаги чақириқлар қўлогингизга чалинади. — Муздай қатқ (аслида айрон бўлиши керак). — Келиб қолинг! Жонингиз ором олади! Ҳа, қуёшнинг ҳарорати 35—40 атрофида бўлиб турганида айрон ичсангиз жонингизнинг ором олиш ҳеч қим учун сир эмас. Бештиёр овоз келган томонга буриласиз. Олдига бир челақда айрон, бир челақда сув ва 4—5 та стакан қўйиб олиб савдо қиладиган чол-камилларга, ёш гўдакларга кўзйиғингиз ташади. Тўшади-ю кўнглингиз айнайди. Аввало, сотаётган нарсасининг яриш сув. Совутиш учун газ сувлари сотувчилари қичқиди қилган муз парчаларини нари-бери ювиб ишлатишяпти. Челақдаги айрон сувга ўнлаб стакан ювилади. Қолаверса, сотувчиларнинг ўзларининг ҳам «озодалиги» аянчи ҳолда, Соғлиқлари нуқтаи-назаридан сотиш учун лаёқатини, йўқми, бу — жумбоқ. Кўпчилик бунга қўл силтаб айронни олиб ичади. Аҳвол шундай экан, тегинли ташкилотлар нега бунга эътибор бермайдилар, деган ҳақли савол туғилади. Нега газ сувлари, пиво, квас билан савдо қилинаётганидек айрон, қимиз билан ҳам махус жойларда озодликка, тартибга риоя қилинган ҳолда савдо қилиш мумкин эмас? Бунга соғуқ ичимликлар билан савдо қилувчи ташкилотлар нима деркивлар. Юқорида айтганимиздек «сотувчилар»нинг анчагина қисмини 10—15 ёшлар орасидаги болалар ташкил қиладди. Бунга қарши шаҳар маориф ҳамда милиция бўлимларидаги ўртоқлар бирор шешилиш чоралар кўришлари керак. Санитария қондаларини бузувчилар ёнидан шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимидагилар ҳам кўз юмиб ўтмасинлар?! П. ЖАВБОРҚУЛОВ.

### Бахтли болалик



ТОШКЕНТ ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ. ДАГИ 317-БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА 200 ГА ЯҚИН ЭРКАТОЛ ТАРВИЯЛАНМОҚДА. СУРАТДА: ДУГО НАЛАР — САВРА МАЮСУПОВА ВА ОЛЯ МОЛЧАНОВА. Қ. РОЗИҚОВ фотоси. (ЎЗТАГ).

# Хиросима

## Фожияси

ХИРОСИМА... БУ СЎЗ ДАХШАТ БИЛАН ТИЛГА ОЛИНАДИ. БУ ШАХАР ТЕПАСИДА АМЕРИКАНИНГ БИРИНЧИ АТОМ БОМБАСИ ПОРТЛАГАН. МАНА ШУНГА 23 ЙИЛ БЎЛДИ. АММО УНИНГ ДАХШАТИ ВА АЛАМИ МИЛЛИОНЛАВ КИШИЛАРНИНГ ҚАЛБИДА ОЧИҚ ЯРАДЕК ЯЛНГЛАНИБ ТУРИЕДИ. ИЛГОР ЯПОН ШОИРЛАРИ ЭСА УНИ ҚОРАЛАБ, ҒАЗАБ ВА НАФРАТ БИЛАН ҲАМОН ОТАШИН ШЕЪРЛАР ЕЗАДИЛАР. УЛАР ХИРОСИМАГА АТАБ АЛОҲИДА КИТОБ ҲАМ НАШР ЭТДИЛАР. ШУ КИТОБДАН ҚИЛИНГАН ТАРЖИМА НАМУНАЛАРИНИ ҚУНИДА ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТАМИЗ.

Мило ОХАРА

# «Атом бомбасининг гули»

Сўз сапчиб қирғоққа—  
Яси қумлоқда  
Кўпидан қолдириб бир гул чамбарак.  
Ана шу кўпни гул говланган чоқда  
Қўнидан чиққудек бўлди бу юрак.  
Эҳ, қандай ёнади гулдандай болқиб,  
Кўнани олади боққанинг замон!  
Эсимга тушириб кўз ёшим оқиб,  
Бахтимга ўт кетган у кўпни шу он.  
У кўпни, тикнадан оғатанда кўш,  
Таъшишу ваҳмадан кўзларим гирён.  
Отанинг қонига, қишлоқ йўлидан,  
Пилдираб борардим.  
Бари бир етолмай қон йиғлаб қолдим.  
Бир ҳовуч кулга у айланган эди.  
Дуд бўлиб вайрона узра неварди.  
Тасалли тополмай фарёд солардим.

Бу дахшат қалбимни ўртаб эвзари...  
Шу маҳал ёш тўла кўзларим ногоҳ  
Четангоғ ёнида бир гулга тушди.  
Ҳамма ёқ куйгану, бу гулча қандоқ,  
Қолибди?—саволи кўнглида тушди.  
Ўт-тўфон ичра у менга қуларди,  
Куларди бир ўзи, ҳамма ёқ вайрон.  
Бу тақдир кулгиси юрак тиларди,  
Қонимда қайнаиб нафрату тўғён.  
Мен уни шу лаҳза шарт узиб олиб  
Эгиллаб бир четга отмоқчи эдим.  
«Бари бир андики йил қўтариб,  
Яна у гашимга тегади»,—дедим.  
Энди у ҳар август хароба ичра  
Ғам-ҳасрат рамзидек ёниб туради.  
«Бу—атом бомбасининг гули» деб барча  
Ном бериб, ўзаро сўзлаб юради.

Митига ЯМАДА



Олтин қўнғиз шивирлаб,  
Нозик қадам босади,  
Нозли шамол шивирлаб  
Чоррахда эсади,  
Ҳар ўтинчи барига,  
Енглирига илашиб...  
Вақт ўтмоқда талашиб...  
Ху, бурчакда ногихон  
Пайдо бўлди оқ парча:  
У сўфтуруш «бобачча».  
Унинг ёғоч сандални

Сукунатни бузади...  
Ана келар резвор,  
Гўё «лкан сузади»  
Араваси лиқ тўла  
Қизил-у нўк сабзавот  
Бирдан кўча уяқуси  
Бузилди шу заҳот:  
Янграб Шуберт мақоми\*  
Тонг қўнғига оқади.  
Гўё туман чулганган  
Олинси уйғотади.  
Гўё тонғинг юзига  
Куйдан шуъла пуркайд.  
Гўё уфқ лабига  
Қизил бўёқ суркайд...  
Нўл четиди мизгитан  
Кўмкўн-кўмкўн ҳар япроқ  
Гўё тонг муъжизасини  
Кўрматандек ҳеч бир чоқ  
Ҳайрон қолиб кўзини  
Катта-катта оқади.  
Кўшлар эса салдан сўнг  
Шаҳар бўйлаб учади.  
Аммо шамол булутнинг  
Соқолини қирмоқда,  
Булут эса ёлвориб

Унга изоҳ бермоқда:  
«Кўш юзин тўсмайман,  
Чиқаверсин, бемалол...»  
Юпқа кумуш оқ парда  
Уфқ бегин урайд.  
Томга қўнган булутлар  
Аста-аста эрийди,  
Булут-ҳурлик яловни,  
Юксакларда билмас гов.  
Бўрон уни парчалаб  
Ташлагандир беаёв,  
Энди уша парчалар  
Ер бетига қўнмоқда  
Нақши кўча-кўйларни  
Беаёв, порлаб ёнмоқда.  
Гўё қафан бўлиб у  
Сонсиз ҳалок бўлганлар,  
Йўни тирик қолганлар  
Жасадини урайд...  
Оҳ-додини урайд...  
Раҳминг келсин, эй давр!  
Демак яқин фурсатда  
Қалбим дардан поя этиб,  
Кўз ёшимни қўриб  
Тугатмайсан, аялбэтга!

\*Австрия композитори  
Ф. П. Шубертнинг эттинчи  
симфонияси кўла тугилади.

Сумако ФУКУДА



Нақадар гинч ўтар бу сонин кеча:  
Юлдузлар чарақлаб, ой кулганча,  
Қонда ўтириб, кўзим толғунча  
Термулиб боқман Сомон йўлига.

У эса, юлдузлар оламини гўё  
Кучоқлаб олгандир чурли баргига.  
Болалик қонимда ўтга думалаб  
Осмонга боққанда нўк шундай эди.  
Тўймасдим юлдузлар шивирин тинглаб,  
Ой нури кўзимни олгундай эди.  
Келарди, онажон, соғиндим сени!..  
Бу кеча кўзимга уйқу келмайди,  
Ғам-алам ёшлар кўзимни тўсиб.  
Кел, она, ўтган кун унут бўлмайди.  
Эркада, онажон, бағринга босиб...  
Юлдуздек ялт этгин жилла бўлмасал!..

Осаму КЕДЗАВА

Боғлар қирилар...  
Янқилар турар,  
Олмалар қоп-қоп—  
Тўпларга ниқоб,  
Янги ўқ отар,  
Қиз қонга ботар,  
Юради мезиб,  
Олмалар эзиб,  
Бог топган пугур,  
Залда кўрсатур

Боғлар қирилар...

Шу боғнинг

СИГЭДЗИ ЦУБОК

«Кўрқин»,  
Зал боғар соқин,  
Бирдан шу кези  
Бир япон қизи  
Қичқириб қотди,  
Евнинг бетига  
Мисоля кесак,  
Олмасин отди,  
Зал чалди қарсақ!



Гулни нишон олибди  
Муджиш автомат,  
«Элим соя солибди  
Кўнига, албат...»  
Лекин гулнинг юраги  
Ҳаётга тўлиқ,  
Чунки ҳали ўртада  
Бордир оралиқ!

Наоки УСАМИ

# Балалар ўн-чеғак ва арава

Япониянинг Харунама тоғи этакларида  
Америка полигонига фақат икки  
шаба кўчаларини отишга тўхтатилди  
ва шу кўнани ерди аҳолига зонага  
қилиб ўт қилиш, гильзалар йиғишга  
руҳсат этилди.  
Ҳар яқинда келиши билан,  
Тонг кўзини очмасдан бурун,  
Қирга олар болалар бўлиб  
У ерда бор 87 ҳам, четак ҳам,  
Аммо унда бошқа кўчалари  
Тинмас аҳоли ўнги уфурган  
Шум ўқларнинг машъум унлари!  
«Кирини монети!» Тақий чизини...  
Бу атрофда барглар қоп-қора,

Бошин эғиб бутоқлар йиғлар,  
Бутун тани ўқлардан яра,  
Уйма-чуқур бўлиб кетган ер,  
Ниҳолларни янчиб ўтган «ини»...  
Шудринг кечиб борар болалар,  
Ўт-чечаклар ётар гул очиб...  
Сариғ, пушти, кизил, қўқ, эҳе,  
Кўзларининг ранги олади!  
Икки бола гуллар оралиб  
Хўкиз хайлаб, гамгин боради.  
«Эҳ, ҳўкизон, дейман кузатиб,  
Тортга» юкинги нега бунча кам?!  
Аравага оларсан балки  
Қўшиқ билан шод кулгини ҳам?!»  
ШУХРАТ таржимаси.

ГАЗЕТХОН КИТОБ ҲАҚИДА

# «ОЛАМ КИРАР ЮРАГИМГА»

Поэзия боғида ана бир ниҳол кўкка бўй чўзиб,  
Шеърят шайдоларига ўзининг дастлабки меваларини ҳада этди.

Ҳар бир меванинг ўзига хос ширинлиги, ўзига хос лаззати бўлганидек, бухоролик ёш шоир Жамол Камол ҳам ўзининг «Олам кирар юрагимга» шеърини тўплами билан адабиётимиз майдонига ўзига хос илҳом ва овоз билан кириб келди.

Муаллифнинг бу тўпламига «Жамил» балладасидан ташқари эллиқдан ортиқ шеърлар киритилган.

«Менинг увоқ шеърим—менинг дилпорам» деб умумий сарлаҳа қўйиб Ж. Камол, бир хил ҳажмдаги кирқдан ортиқ жамжи шеърларига. Ана шу увоқ ана шу дилпораларнинг ҳаммасига хос эвожиб ҳислат шундайки, ҳар бир шеър-

нинг асосида чуқур маъму ва теран фикр бор. Тўпландаги шеърларни ўқир экансиз, беихтиёр арақлашад тўтаб, кўлга ботасиз. қалб торингизни нимадир сирли чертгандай бўлади, нимадандир беҳад кувонасиз, нимадандир афсуслана-сиз, нималариндир эсласиз, кимларгадир муҳаббатингиз ошади, кимларгадир юрагингизда нафрат-ғазаб уққун пайдо бўлади. Бир сўз билан айтганда, китобхонни ўйлашга, мушоҳида қилишга мажбур қилади.

Тўпландан ўрин олган «Она Ер ўртаниб», «Кўриб қолдим», «Шош эди», «Боланинг бошидан», «Одамлар», «Бунднинг қўлидан» ва бошқа кўпгина шеърларни ўқир экансиз, муаллиф ҳар бир шеърини юксак ҳиссиёт ва чуқур эҳтирос билан ёзганлигини яққол сезасиз.

Жамол Камол шеърларининг асосий мавзуси инсон ва она-Ер мадҳини қўлаш, ҳаёт ва инсон

қадрига етиш, ҳаёт устун бўлиши онани улутлашдир.

Сўзланман турларимга,  
Едулар тошқин,  
Энтикамни, ўли дилда  
Орзулар тошқин.

Ҳа, шундай! Қўш қанотсиз уча бўлмаганидек,  
Инсон орузсиз яшай олмайди. Инсон қалби орзу билан энтикади, шу буюқ орзу йўлида ҳар қандай қийинчиликка бардош беради.

Шоир Жамол Камол ҳам ўз орузси йўлида дедил қадам билан бормоқда. Нима ҳам дердик, шоир орузсининг рўбга чўккунга ҳаммаша тилдоҳимиз.

Истам БҒРИЕВ,  
Республика рус тили ва адабиёт институтининг 5-курс студенти.

# МАВСУМ УЧУН ЯНГИ КОСТЮМЛАР



Шаҳримиздаги энг йирик тикув корхоналаридан бири бўлган «Юлдуз» фирмасининг янги моделар яратувчи махсус таъриба пехи мутахассислари бу йилги мавсумга олий нав ва чидамли лансан, нетрон ва алаи каби матофлардан 13 янги моделдаги эркак ва аёллар костюмлари намуналарини тайёрладилар. Яқин кўнларда янги мода бўйича тинилган бу бежирим костюмлар савдо тармоқларига чиқарилади.

СУРАТЛАРДА: Еш чевар Мухтарам Ҳамидинова набатдаги янги костюмин кунт билан тайёрламоқда. Чевар Хафиза Мирзааҳмедова ва конструктор Валентина Хомякова ўртоқлар янги костюм намуналарини яна бир бор кўздан кечирмоқдалар.

Техник Меҳри Собитова ҳам янги либослар тайёрлаш ишига ўзининг салмоқини ҳиссасини қўшаётир.

М. Нурриддинов фотолари.

© АХЛОҚ ТЕМАСИДА

# Дили бошқа-ю, тили бошқа

Пўқ, бу ҳикоя эмас.  
Бўлиб ўтган бир воқеа, холос.

Баъзан фалончининг қизи кўзга қарин бўлибди, деймиз Дилнавоз ҳам ана шундай чинди. Унга кўплар маҳлиб боқадиган бўлди. Аммо бирор жон унга сўз қотолмасди. Тоҳиргина бу ишга журъат этди. Қиз унинг чеҳрасида қандайдир нур кўрди, бу нур қалбини ёритгандек бўлди.

Тоҳир билан Дилнавоз тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турдилар. Қиз Тоҳирни ниҳоятда севиб қолган эди. Висол оларнинг ошиқиб кутар, учрашув дамларига эса севиғилсига бир сўз айтолмасди. Тоҳирнинг муҳаббат, келажак, орзу-умидлар ҳақидаги сўзларига табассум ала жавоб қиларди у.

— Чин Тоҳиримни топдим, ишқилиб менга насиб этсин! — бу сир қиз қалбиди тинчон эди.

Оқшомлари Дилнавоз ширин хэйл дарёсида сузар, лаблари аста шивирларди: «Ешлик нақадар гузалсан! Муҳаббат, сен ундан ҳам сулуви! Бугунги висол овлари қандай ўтиб кетди-я! Қарда учрашдик!» Истироҳат боғида бўлса керак. Ҳа, ўша ерда. Вой товба, яхши кўрган оламнинг бир сўз ҳам айтолмас экансан-а! Тилинг дол бўлarkan-қолarkan!»

Кўнларнинг бирида қиз Тоҳирнинг уйи томон йўла олади. Мана, ўша кўча, уй.

Дилнавоз эпкини очинга ботинолмай, тиринишда аста муралайди. Атлас кўйлакли, сочларини майда ўртан бир қиз чинки кўтариб уйдан чиқиб келарди.

— Бу ким бўлди экан-а? — Дилнавозини қалтироқ босди, — он-лада яқин фарзандиман деган эди-ку, наҳотки, хотини бўлса.

Дилнавоз эшик тағида анграйиб туриб қолди. Қўзларига ҳеч нарса кўринмас, қулоғи ҳеч нарсани ишитмас эди.

Ноғихон — қизнинг висол овларини ўтказди.

Бир кунни учрашувга келган Тоҳир:

— Дилнавоз, азизим, мен командировкага кетяман, — деб қолди.

— Яхши! Омон-эсон қайтинг.

Эртаси кунни Дилнавоз Тоҳирни идиқ кузатиб, унга яхши тилаклар билдирди. Қалбининг қаеридир бўшаб қолгандек бўлди.

— Хат ёзиб туринг, — деди у аста.

— Албатта, ёзаман, азизим, — кулиб боқди Тоҳир.

Бир неча кун ўтди. Аммо Тоҳирдан бир дона ҳам хат келмади. Дилнавоз хавотирлана бошлади.

— Нима бўлди экан-а? Ишқилиб соғ бўлсинлар-да!

Тоҳир йўлга чиқиб олди: «Бир ярни онга кетялман», — деган эди. Олти ой ўтса ҳам қайтиб келмади. Дилнавоз ташвишланди, туналарни уяқусиз ўтказди.

Кўнларнинг бирида қиз Тоҳирнинг уйи томон йўла олади. Мана, ўша кўча, уй.

юраги дук-дук урди:

— Эҳ, номард! — деб бақириб юборгандек бўлди. Аммо нафаси ичига тушиб кетди.

Қиз йўлда паршон бораркан кўнглида муҳаббат солган иморат вайрона бўлаётгандек эди.

— Ишқ, ундай бўлиши мумкин эмас! — ўзига тасалли берди ана.

Шу вақт Тоҳир қардандр:

— Қўй, хафа бўлма, азизим, — дегандек бўлди.

Иисов доимо умид билан ишайди. Умид уни доимо қайларгадир бошлайди. Дилнавоз ҳам ана шундай бўлди ва:

— Балки бу ёлғондир, — деган хулосага келди.

Шу кунни уйга Дилнавозининг ўзи эмас, гўё сояси кириб келди. Ояси унинг олдига ояқат келтириб қўйди. Аммо қиз ояқатини эмас, ояқатини ерди. Кўз олдига ўша висол овлари, қулоғига эса Тоҳирнинг чин ватдалари.

Шавба кунни Дилнавоз онасидан руҳсат олди-да, сингилсиз Нигора билан кинотеатрга кетди. Бекаат 2-автобусни кутиб турган эди, бирдан рўнарадаси йилитга қўзи тушиб қолди. Бу ўша Тоҳир эди.

Тоҳир ҳеч нарса билмагандек ишайиб Дилнавозининг рўпарасига келди, қўл узатди.

— Яхшимисиз, азизим? —

муомаласи ҳам, ўзи ҳам.

— Азизим, мен сингилнинг олдингида гуноҳкорман, сизга хат ёза олмадим, Чунки мен бир жойда бўлмадим. Шунинг учун ҳам сизга бирор адресни ёзишга ботила олмадим. Нима қилсангиз ҳам, майли! Саваллаб урсангиз ҳам ихтиёр сизда.

Тоҳирнинг бу гаплари ниҳоятда исамма эди. Буни Дилнавоз ҳам алақачон пайқарган.

— Бир учрашсак, азизим... Дилнавоз негадир рози бўлди.

Қиз бугунги учрашувга қатъий бир фикр билан келди. У Тоҳирнинг уйида хизмат қилиб юрган ўша ояқамон ким эканини аниқ билмоқчи эди.

— Хотиним, аммо уни ёмон кўраман, — мунофиқона жавоб берди Тоҳир.

— Шунчакими? —

— Шунчаки... Хотиним маданиятсиз, бир ерга олиб чиқишга, бошлашиб юришга ўйламам. Одам бўлиб қолар, деган эдим, бўлмади-а.

— Бўлмаган гап! — Бўлган гап, азизим! Аёлларни кўйиб кетганимдан юрагим, қалбим ёруғаника иттилади, талинланди. Ерулганим сезасиз!

Қиз унинг гапларига шонимас эди. Шу сабабдан бўлса керак, нидамай жўнаб қолди.

Бир кунни Дилнавоз, сингилсиз Нигора билан Бешёғочдаги Навоий номида кинотеатрга боради. Кассадан билет олиб, жойи қарда эканлигини билмоқчи бўлгандиники, кўзи чиройли бир аёл билан бошлашиб

келаятган Тоҳирга тушди. Бу ўша! Дилнавоз эшик тирқишидан кўрганди уни.

Тоҳир билан Дилнавоз кинотеатр ичидан яна бир-бирларига дуч бўлди. Дилнавоз сингилсиз билан ўз ўрнида ўтирар. Тоҳир бўлса, ҳеч нарсани сезмагандек жой ахтарарди.

Дилнавозининг кўзи атлас кўйлакли келинчақда. Тоҳирнинг рафиқаси у. Аёл ниҳоятда гузал, дид билан кийинган. Шу пайт Дилнавозининг хаёлига Тоҳирнинг: «Хотиним маданиятсиз, бир ерга олиб чиқишга, бошлашиб юришга ўйламам», — деган сўзлари келди.

— Шундай хотини бўла туриб, бу сўзларини айтишга қандай тили борди экан-а?! Мен йўлдан урмақчи, қўғирчоқ қилиб ўйнамоқчи экан-да!

Дилнавоз ўз-ўзича аччиқ ўйнарган. ки нофилим бошлашиб қолди.

Сирни ошкор бўлган сохта бўйдоқ, мунофиқ Тоҳир шу-шу Дилнавозининг йўлини поймайдиغان бўлди.

Энди гап тамомми? Тоҳир-ку, ўз хотини бўла туриб, ғазаларга кўз олайтириб юрадиган айёр экан. Дилнавозини? У ҳам айёрки, Чунки у сўраб-суриш-тирмай, қандайлигини билмай Тоҳирга қўнғиз қўйган. Ўйламай босилган қаламинини оқибатга ҳаммаша шундай бўлади.

Энди ҳурматли гап аетхон, Дилнавоз билан Тоҳирнинг ҳозирги аҳволлари ҳақида уч-тўрт оғиз сўз эшитилиши истарсиз.

Тоҳир Ниҳоний номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тугатган. Дилнавозининг айтинича, ҳозир дўқончи ёмиш. Дилнавозининг ўзи бўлса, олий ўқув юрталаримиздан бирининг учинчи курсини битирди.

Сўнги сўзимиз шуки: ҳеч бир йилги Тоҳир каби чакки қалам қўймагани, ҳеч бир кун Дилнавоздек шомша-шопарлик билан бирорва дил боғламансиз.

У. ЮСУПОВ.

Маданият хабарлари

МЕҲМОН

Бир неча кундирим Узбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов бошчилигидаги Туркменистон ССР Тошовуз область ашула ва раис ансамбли коллективи шаҳримизда меҳмон бўлиб турибди.

— Туркменистон даги ўзбеклар учун ташкил этилган бу ансамблининг ташкил топган и г а эндигина олти ой бўлди, — деди ансамблининг бадий раҳбари Комилжон Отаниёзов. — Шунга қарамадан у Туркменистоннинг қатор районларида томошалар кўрсатиб, бир мунча муваффақият қозонди. Мана бугун у тошкентлик талабчон томошалар олдига имтиҳондан ўтмоқда.

Бу имтиҳон натижалари ёмон бўлганлиги йўқ. Ансамблининг отахони Туркменистон ССРда кизмат кўрсатган артист Маткарим хофиз Бобо-жонов ҳамда Бутунитифоқ ёшлар фестивалининг лауреатлари Мунаввар Зарипова, Гаҳар Матқубова ва бошқаларнинг ашула ҳамда рақслари неча ўнлаб томошаларга завоқшавқ бахш этмоқда.

Халқ театри саҳнасида

Туркманчилик комбинети маданият саройи Халқ театрининг «Имон», «Бой ила кизматчи» каби чорқ спектаклининг кизмат шивавидларини саҳнада ва кизматчи эркин орқали марок билан томоша қилганлар Узбекистон ССРда кизмат кўрсатган маданият ходими Аҳмад Юнусов бош раҳиссёр бўлган бу театр иккидўй коллективини шу кўнларда Ф. Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» асарини сахналаштирмоқда. Бу ўларнинг театр шивавидларига қилган набатдаги совгалари бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

8 АВГУСТ, 1968 Й.

ВДР



Музофаа отрядларининг жангчи қизлари шоя майдонларида меҳнат қилмоқдалар.


Л. ПОРТЕР фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ВЕНГРИЯ



Балаюн кўлига икки юрпусли елканли нема туширилди. Бу неманинг ҳамма қисмлари алюминийдан ишланган. 25 киши ана шу немада экскурсияларга бориши, офтобда тобланиши, чўмилиши мумкин. МТИ-ТАСС фотоси.

ПОЛЬША



Кожалински воеводлиги. Славно кўlining форуза суви, чор атрофдан ўраб турган дов-дараклари, бу ерда ёнинг иссиқ кунларида ҳордиқ чиқариш мақсадида келган кишиларнинг энг совимли жойидан бирига айланиши тазминлаган. ЦАФ-ТАСС фотоси.



Зануация қилинган район меҳнатнашларининг фарзандлари болалар касалхонасининг шифокорлари томонидан катта гамхўрлик билан чўлғаб олинган.

Б. ГУРНОВ фотоси, ТАСС фотохроникаси.

# ЧССРГА НИСБАТАН СУРБЕТЛАРЧА РЕВАНШЧИЛИК ТАЛАБЛАРИ

Гарбий Германия неонацист ва реваншчи ташкилотларининг марказий газеталари сўнгги сонларида ЧССРга нисбатан сурбетлик талабларини қўймоқдалар. Булар брасида энг янрик газета бўлган «Дойча национальдайтун» уйд зольдатеингайтунга «Прага хатоларини тугатиши керак» деган сарлаҳа остида мақола босиб чиқарди. Мақолада шундай дейилди: «Прага 1945 йили рўй берган адолатсизлиқни тузатиш ва ўтирилган Судетларни қайтариши керак».

«НОНЕС ДОНЧЛАНД» ГАЗЕТАСИННИГ МАҚОЛАСИ

сандийимиз учун ҳеч ким биздан ҳафа бўлмади. Негизи, худди аёша шу вазиет тўғрисида вақт ўтиши билан ҳаққоний ҳеч-судет муносабатларини ўрнаттиш мумкин».

«Судетейдиче цайтунг» газетаси Касселда реваншчилар ташкилотининг митинги бўлганлигини, унда Марбург институтининг лектори Хердер ингилган нацистлар ва собиқ «Витико-бунда» асосчиларининг қараклари остида «Мюнхен битимининг бузилмаслиги» ҳақида нутқ суълаганини ёзди. Доктор ЧССРдаги воқеалар ҳақида шундай дейди: «Чехословачизим ўлим олдида турибди. Судетлик немисларга «Хайм инс райх» («Уз империяга жўнаб қолинг») деган шир қўтариб чиққан чехословачизим олдида турибди. Мюнхен битимининг амалга ошмагани деб таъинлайди газетасида ҳам, социал демократлар ўрғасида ҳам судетлик немислар орасида ҳам қувонч туғдирмади.

«Фюрернинг чехословач квислинглар масаласи бўйича собиқ секретари доктор Франц Бем (ҳозир у «судетлик немислар

ташкilotчиси ҳақида кўп гаплар айтиш мумкин. Бу ХСС депутати «судетлик немислар ери» раиси В. Бехердир. Бехер ҳозирги молия министри. 1931 йилдаёқ нацистлар партиясига кирган. Қашнам идеологиясини тарғиб қилиб ирқчиликни еқловчи кўллаб мақолалар ёзган ашодий реакционер Штрауснинг

ишончли вакилидир. Бехернинг қарашлари хошр ҳам ўзгаргани йўқ. У шу йил баҳорда Мюнхенда шундай деган эди. «Бреслау бир умр Броцлаа бўлиб қолшидан илгари Польша тўртинчи марта тақсим ланади. Карлсбад Карлови Вари бўлишидан илгари Чехословачия иккинчи марта тақсим этилади» (АНП)

## СИЁСИЙ МАЎБУСЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

КАРАКАС. (ТАСС). Венесуэладаги сиёсий маъбуслар Текаритуа оролидаги турмода қаттиқ азоб чекиб ётган уз урқотлари билан бирдам энкаликларини билдирди, оқлик эълон қилган эдилар. Вунинг натижасида жуда катта ғалаба кўлга киритилди.

Сиёсий маъбусларни ҳимоя қилиш комитети ўз баёнотида мамлакатдаги прогрессив жамоатчилиги ва жаҳон жамоатчилигининг бирдамлик ҳаракати тўғрисидаги сиёсий маъбуслар эълон қилган оқлик ғалаба билан талом бўлганлигини таъкидлади. Комитет барча сиёсий маъбусларга аминияти берилиши учун зўр қайрат билан кураш олиб боришга чақирди.

## ХАЛҚАРО ЯРМАРКА

БОГОТА. (ТАСС). Колумбия пойтахтида VII халқаро ярмарка очилди. Бу ярмаркада жаҳоннинг 38 мамламати, шу жумладан СССР, Польша, Чехословачия, Германия Демократик Республикаси, Руминия, Венгрия ва Югославия қатнашмоқда.

Богота халқаро ярмаркасида совет ташқи савдо ташкилотларидан етти таси биринчи марта иштирок қилмоқда. Улар йўз қурилиш ускуналарини, «ГАЗ-69-М», «МАЗ-500», «КРАЗ-256» автомобилларини, станокларни, электр двигателларини намойиш қилдиладар. Совет павильонига совет китоблари наставкаси ҳам очилди.

Колумбия пойтахти аҳолиси совет павильонига ва бошқа социалистик мамлакатларнинг экспонатларига зўр иштиёқ билан қарамоқдалар.

С. СИЧЕВ.

## ТУРИСТИК МАРШРУТЛАРДА



Ез фасли. Жонажон ўлка табиати борлиқ либосларини кийиб беанган. Пойтахт атрофларидаги тоғлар, ўрмонлар, тоғ дарёларининг соҳиллари ҳаммани ўз бағрига қорлайди. Лагерларда дам олаётган пионерларгина эмас, шаҳарда қолган ўқувчилар ҳам гуруҳ-гуруҳ бўлиб танланган туристик маршрутлари бўйлаб саёҳат қилиб турадилар.

Юқоридаги суратда Чорвоқ зонасидаги хушманзара тоғ бағирлари кўриқиб турипти. Шу ердаги «Геолог» ва «Огонёк» пионер лагерларида пойтахт меҳнатнашларининг 500 фарзанди дам олаётир. Улар таблат кучоғига тез-тез саёҳат қилиб туришадди.

Ҳайқириб оқаётган тоғ дарёси соҳилида бир дам ҳордиқ чиқариш қандай ҳузурбахш. Дарёнинг муздек шамоли тўхтовсиз эсиб туради. Лекин ҳарорат 40 дан юқори бўлган зейтиннинг хизмати бу ерда ҳам керак...

М. Нуриддинов фотослари.



Редактор С. М. КАРОМАТОВ.



6 август СЕШАНБА

### БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Пахта териш техникасини шай қилиб қўйили» деган эшиттириш. 18.10 Г. Эйслер, Септёт № 2. 18.40 Спорт эшиттириши (Ўзбекича). 19.20 «Нодир буювлар» деган концерт. 20.00 «Эшлик» радиостанциясининг программаси. 20.30 Ёш икромчилар концерти (Ўзбекича). 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (Ўзбекича). 21.10 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун нечи концерт. 22.30 Вальс нечаси. 22.40 Ленин ҳақида хикоялар (Ўзбекича). 23.00 Футбол СССР кубоғи учун. «Заря» (Луганск) — «Пахтакор». Луганскдан олиб эшиттирилади.

7 август

7 август ЧОРШАНБА

### БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 Ная тароналари. 8.25 Ўзбек операларида парчалар. 9.30 М. Юсупов, Торли шартет учун сюита. 9.50 Алишер Навоий тугилган кунининг 525 йиллиги олдиди. «Навоий Самарқандда» (тожикча). 11.15 «Буюк донишмандлар». «Аҳмад Фароғий» (Ўзбекича). 11.25 Рафалар. 12.15 «ЭШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРИНИНГ IX ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИДА». «Юности» радиостанциясининг махус эшиттири-

6 август



6 август СЕШАНБА

### БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.55 Эшиттиришлар программаси. 19.00 Рус тилида телевизион янгиликлар. 19.10 Ю. Ҳамдам. Янги шеърлар. 19.20 Рақс ўрганамиз. 19.30 Телевизион янгиликлар. 19.55 Эшиттиришлар программаси. Рус тилида: 19.00 Телевизион янгиликлар. 19.15 А. Африногенос пьесаси асосида телеспектакль. 19.25 «Сатурннинг халқовати». Телевизион янгиликлар. 21.00 «Сатурннинг халқовати».

6 август

### МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.30 Футбол бўйича СССР кубоғи учун. Танафус вақтида телевизион янгиликлар. 00.15 Телевизион янгиликлар. 00.45 Ёшлар ва студентларнинг Софийдаги IX жаҳон фестивалида. 02.00 Фаёз филлари, эшиттиришлар программаси, музикада маълум. 02.15 Москва эшиттиришларининг охири.

### ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Шар» фирмаси маркази билан» (рус тилида). 19.20 «Ўзбекистон мемори». Телепрограмма (Ўзбек тилида).

### МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Эшиттиришлар программаси. 20.05 Телевизион янгиликлар. 20.15 Қишлоқ хўжалик билан ташкилотчиликнинг бирдамлик ҳаракати тўғрисидаги сиёсий маъбуслар эълон қилган оқлик ғалаба билан талом бўлганлигини таъкидлади. Комитет барча сиёсий маъбусларга аминияти берилиши учун зўр қайрат билан кураш олиб боришга чақирди.




6 АВГУСТДА

Чингачун—натта илон—САНЪАТ САРОИИ «СПУТНИК», «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (кечкурун), «ЎЗБЕКИСТОН» 25 ИЙЛИГИ (тоқ соатларда). Вестерплатте — «ВОСТОК» (кечкурун), «ЧАЙКА» (юфт соатларда). Деразанги қонқанда ёмғиру шамол — «МИР» (кечкурун). ЕЗГИ ВИНОВА Вестерплатте — НАВОИЙ номли. Қалб амри билан — ТЕЛЬМАН номли.

7 АВГУСТДА

Бадном — САНЪАТ САРОИИ (кудуз ва кечкурун). Чингачун—натта илон—«СПУТНИК», «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН», 25 ИЙЛИГИ (кудуз ва кечкурун). Вестерплатте — «ЧАЙКА» (юфт соатларда), «ВОСТОК» (кудуз ва кечкурун). Деразанги қонқанда ёмғиру шамол — «МОСКВА» (кеч соат 9 да).

ЕЗГИ ВИНОВА Вестерплатте — НАВОИЙ номли. Чингачун — натта илон — «ФЕСТИВАЛЬ». Антигона — ТЕЛЬМАН номли.



МУЖИНИИ НОМЛИ ТЕАТРДА—7/VIИ да Гаваҳари шамчирок 8/VIИ да Моңерт, 9/VIИ да Киабулук.

«Кудлар тингла» дам олинми деган моңерт. ИККИНЧИ ПРОГРАММА 8.25 СССР халқларининг кудлари. 19.00 Област театрлари артистларининг моңерти. 19.30 Ўзбекистон ёзувчиларининг асарларида Гафур Гулом. «Шум беда» повестидан парча (русча). 20.00 Тонинистон композиторларининг кўшиқлари. 20.30 Сезфоник кўшлар. 21.00 Нардош қалқлар адабиети. М. Служик. «Омон навоий» повестидан парча (Ўзбекича). 21.30 Рус кўшлари. УЧИНЧИ ПРОГРАММА 14.00 С. Прокофьев «Золушк» балети. 16.00 «Шурк» музика драматининг монтажи. 18.00 Ф. Дит. Венгер рапсодиси.



7 август ЧОРШАНБА

### БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.55 Эшиттиришлар программаси. 19.00 Рус тилида телевизион янгиликлар. 19.10 Ю. Ҳамдам. Янги шеърлар. 19.20 Рақс ўрганамиз. 19.30 Телевизион янгиликлар.

### МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Эшиттиришлар программаси. 20.05 Телевизион янгиликлар. 20.15 Калейдоскоп. 21.00 «Сенга ёшлик». 21.30 Инсон ва дин. 22.00 «Хайт-мамот учу». РТР серияли телевизион бадний фильм биринчи сериясининг премьераси. 23.00 Халқ раиси ҳаваскорлари ансамблининг фестивали. 24.00 «Вит ийборчи» телевизион программаси. 00.45 Москва эшиттиришларининг охири.

### ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.55 Эшиттиришлар программаси. Рус тилида. 19.00 Болалар учун «Ёш денгизчилар». Телеоқер. 19.15 Фильм концерт. 20.15 «Баҳор ордидан». Хўжнатли фильм.

### УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 «Катта масофалар қирқаради». Телефильм (Ўзбек тилида). Рус тилида: 20.10 «Артиллериянинг ўғли». Телефильм. 20.30 Илмий-оммабо фильм. 20.45 Коммунист минбари. 21.00 «Хаммаси одамларга қолади». Телеспектакль.

### ГРАЖДАНЛАР ДИЖИТАТИ

КВАЗИ РАЙОНЧИҚЕРГИ МАГАЗИНИЛАР ченланмаган миқдорда аҳолидан Ватанимизда ишлаб чиқаришга ҳар хил ҳақмидаги шинша банкарларни.

### СОТИБ ОЛАДИ

Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй, РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ. Коммутатор — 33.02.49 дан 33.02.58 гача, редактор урини, босарлари — 33.29.33, 33.29.09; масъул секретарлар — 33.27.22; партия, совет ва насаба союзи ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлиқлари — 33.29.42; санаот, нурилик ва транспорт бўлими — 33.27.03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — 33.29.35; катлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлиқлари — 33.29.70; фан ва олий унв уюртилари, иллюстрация бўлиқлари — 33.27.37; ахборот бўлими — 33.65.57; эълонлар бўлими — 33.81.42.

### УЗБЕКИСТОН ССР Министрлар Советининг Хўнар-техника тазлими 69-йинча Давлат комитети

3.ШАҲАР ХўНАР,ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1965.1969 уқув йилига

### ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мутахассисликлар бўйича эришлар ва аёллар устини кийимини тишиш бўйича тикувчилар, пойфал таъбир, ловчилар, пойфал тинувчилар.

7, 8, 10 синф ҳақида маълумоти бор бўлган 15 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Тошкент шаҳрида яшовчилар кириш имтиҳониси қабул қилинадилар.

Қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганлар олий ва махус урта таълим билим юртиларига иш стани бор сифатида қабул қилинадилар.

Уқиш муаддати — 2 йил.

Билим юртига нундаги хўнаятлар, топширилади; директор номига ариза, маълумоти ҳақида хўнаят, тугилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, мантабан характеристика, медицина справкиси, 4 та фото сурат (3Х4), тузар но, индан справна.

Машгулотлар — тинув 65. лимда 1 сентйрдан, пойфал бўлимида 10 ноябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй (7, 9, 11, 15, трамвайларнинг, 3, 6, 18, 23, 26, 54, 39 автобуслар, икки, 2 троллейбуснинг «Театральяк» бекати).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй (7, 9, 11, 15, трамвайларнинг, 3, 6, 18, 23, 26, 54, 39 автобуслар, икки, 2 троллейбуснинг «Театральяк» бекати).

Индес 64579. НАШР № 2516. Р. 10221.